МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✹ 2013 йил 1 май. Чоршанба №37 (897) ✹ www.mahallagzt.uz ✹ info@mahallagzt.uz

БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

## ЙИЛ ДАСТУРИ ИЖРОСИ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТГАН

**Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2013 йил биринчи чорак фаолияти якунларига бағишланган бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.**



Ўтган давр ичида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмалари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини изчил таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

2013 йилнинг биринчи чораги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Йиғилишни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов очар экан, иштирокчиларга яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунларининг матбуотда эълон қилиниб, кучга кирганини ва уларда фуқаролар йиғинларининг ваколатлари янада кенгайганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мазкур қонунларга киритилган янги нормалар фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириб, уларнинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш соҳасидаги ваколат ва вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

> [2]

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

## ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР ЮРТГА КЎРК, ТУРМУШГА ФАЙЗ ҚЎШАЁТИР



М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари нафақат шаҳару кентлар қиёфасини яшнатаётир, балки олис қишлоқ ва овулларга ҳам ўзгача чирой ва салобат бахш этмоқда.**

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган турар-жойлар, улар атрофидаги замонавий инфратузилма иншоотлари, шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган янги мавзелар ва бу жойларда фаровон умргузаронлик қилаётган аҳолининг яшаш шароити айни пайтда дунё аҳлининг ҳам эътирофига сазовор бўляпти.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари мамлакатимиз маҳаллаларида янгидан бунёд этилаётган аҳоли пунктларида бўлиб, шинам, барча қулайликларга эга замонавий уйлар учун фуқароларга такомиллаштирилган кредит ажратиш механизми, кредит олувчиларга берилаётган имтиёзларни алоҳида эътироф этдилар. Меҳмонлар юртимиздаги инсонпарварлик сиёсатининг гувоҳи бўлдилар.

Мукаммал лойиҳа асосида, ҳар томонлама замонавий, кўркам уйлар, кенг ва равон кўчалар, улар атрофидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, болалар спорт майдончалари, ҳатто йўл четидаги яшил майсазору янги экилган дарахт кўчатлари ҳам бир-бирига уйғун, бир-бирини тўлдириб турган яхлит манзарани бугун Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ ва овулларида ҳам кузатасиз.

> [3]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

*«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ёшларни меҳнатга жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида вилоятда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.*

*Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг хонадонларига ташриф буюрилиб, уларнинг ота-оналари билан учрашув ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу борада ҳам жамоатчилик назорати ташкил этилиб, 300 нафардан зиёд йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.*

*Жорий йилнинг биринчи чорагида фуқаролар йиғинларида туман ва шаҳар ҳокимларининг ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг бандлик масалаларига бағишланган ҳисоботлари эшитилди.*

*Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш мақсадида 154 та тадбир ўтказилди.*

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 10 та оилавий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.*

*Ҳудудларда меҳнатга лаёқатли ёшлардан 1305 нафари ишсиз экани аниқланди ва уларнинг рўйхати маҳаллий ҳокимликлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлимларига тақдим этилди.*

*Жойлардаги ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги корхона ва ташкилотларда, хусусан, саноатда 80 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 950 та, қурилиш соҳасида 200 та, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда 75 та иш ўрни мавжудлиги аниқланди.*

Холмўмин ЭРГАШЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари.

МУНОСАБАТ

## ЭЪТИБОР МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРАДИ



**Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 26 апрель куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини мен «Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни хусусида теран фикрлашга ундовчи даъват» , деб атаган бўлардим.**

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқ ва марраларга вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаганларида бағоят таъсирландим ҳамда ўзимнинг қалб изҳорларимни сессия минбаридан туриб айтиш шарафига муяссар бўлдим.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганининг узиёқ оила қурғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Юртбошимиз: «Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб бораётган бундай ютуқлар ҳақида гап кетганда, мен биринчи навбатда аёлларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида гапиришдан ҳеч чарчамайман. ...Нега деганда, аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, бутун жамият бахтлидир», дея таъкидлаган сўзлари биз аёлларда чексиз фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди.

> [2]

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## УМР ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ БИЛАН МАЗМУНЛИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 25 апрель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллиги нишонланиши муносабати билан амалга ошириладиган кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган.**



Мазкур фармон ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, байрам муносабати билан ташкил этилаётган тадбирлар хусусида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин БОҚИБОЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Кексаларни эъзозлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш азалий қадриятларимиздан, — дейди Э.Боқибоев. — Бундай эзгу анъаналаримиз бугунги кунда ҳам муносиб давом эттирилмоқда. Хусусан, фахрийларимизнинг амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва ролини янада ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга қаратилган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг мамлакатимизда кенг нишонланаётгани бугунги тинч, фаровон ҳаётимизни деб ўз жонини қурбон қилган аждодларимизнинг табаррук хотираларига, ўша оғир йилларнинг жабрини чекиб, бугунги кунда биз билан бир сафда туриб обод ва озод Ватан барпо этишдек эзгу ишларга ўз маслаҳатлари билан ҳисса қўшаётган отахон ва онахонларимизга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

> [4]

ФОТОТАНЛОВ

## Бир болага етти қўшни ота-она



Тошкент Фотосуратлар уйида «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди ҳамда шу номдаги кўргазма ташкил этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

> [4]

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

## ЭЗГУ ИШДА ТАШАББУС ВА ЯКДИЛЛИК БИЛАН

**Кейинги йилларда юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллашгани, унинг вазифалари кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари шаклланганлиги ўзига хос аҳамият касб этаётир.**

Бу эса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни бажаришда мутасадди ходимлар масъулиятини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда ижтимоий шериклик кўламини кенгайтиришдек долзарб вазифаларни ҳам кун тартибига қўймоқда. Шу боис, 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастурнинг ҳукуматимиз томонидан қабул қилиниши улар фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, мазкур дастур орқали улар фаолияти мувофиқлаштириб борилаётгани жамият ҳаётидаги нуфузи ва таъсирини ҳам оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга беқиёс таъсир кўрсатади. Буни яхши англаганимиз боис, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси билан ҳамкорликда қатор хайрли ишларни бошлаб юбордик.

> [3]

## МАҲАЛЛА, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА МАТБУОТ

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин муносабатларини таъминлашга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган.**

Жорий йил 23 апрелда кучга кирган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мазкур ташаббусларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Мазкур қонун билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда тасдиқланди.

Пойтахтимизда ўтказилган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг иштирокига бағишланган илмий-амалий семинарда мазкур янги қонун мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш ҳақида сўз борди.

> [4]

ҚОНУН МОҲИЯТИ

## Йиғинлар фаолияти такомилининг муҳим ҳуқуқий асоси

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан изчил бораётган мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги иштирокини ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асосий Қомусимизнинг 105-моддаси билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Унга кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгиланди.

> [2]

БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

# ЙИЛ ДАСТУРИ ИЖРОСИ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТГАН



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Ўтган давр мобайнида Фонд томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди, — дея сўзида давом этди Фонднинг республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов. — Хусусан, дастурда белгиланган устувор вазифалар асосида юртимиздаги 36 та олий таълим муассасасида бакалавр босқичида таълим олаётган жисмоний имконияти чекланган ҳамда боқувчисини йўқотган талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 64,5 млн. сўмлик ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида таълим олаётган 15 нафар имконияти чекланган иқтидорли ўқувчи ва талабага замонавий компьютер жамланмалари ҳадя қилинди. Ушбу мақсадларга Фонд томонидан 23,2 млн. сўм маблағ сарфланди.

Бошқарув йиғилишида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги 51-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастури ижроси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 декабрдаги 262-сонли баёни ижроси бўйича Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлили, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат режаси ижросини таъминлаш борасидаги ишлар ҳолати таҳлил этилди.

Шунингдек, йиғилишда Обод турмуш йилида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ҳамда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирларини Фонд ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Обод турмуш йили муносабати билан оилалар барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари хизматини алоҳида эътироф этиш жоиз. Уларнинг фаолиятини янада жонлантириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказилаётган фуқаролар йиғинларининг «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови бу йил ҳам юқори савияда ташкил этилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини аҳоли ва фуқаролар йиғинлари фаолларига тушунтириш ва тарғиб қилиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликдаги 2013 йил 8 январда қабул қилинган қўшма қарори асосида республикамизнинг барча ҳудудларида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 апрелдаги 81-сонли баёнига асосан жорий йилнинг 13-15 май кунлари барча ҳудудларда фуқаролар йиғинлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича уч кунлик ўқув-семинарлари ўтказилади.

Бошқарув йиғилишида мазкур ўқув-семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирларида белгиланган вазифалар ижросини муддатида тўлиқ ва сифатли бажариш ҳамда машғулотларни жойларда юқори савияда ташкиллаштириш учун шахсан бўлим бошқаруви раислари масъул эканига алоҳида урғу берилди.

Юксак малакали, катта ҳаётий тажрибага эга ҳар бир маҳалла мутасаддиси бугун ўз фаолиятини замонавий биноларда олиб боришни истайди. Шу боис, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди кўмаги билан ўтган уч ой давомида 6 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди, 41 таси компьютер жамланмаси, 49 таси мебель жиҳозлари билан таъминлангани маҳалла тизимида иш сифати ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Умумхалқ байрамлари ва шонли саналарда маънавий-маърифий, бадиий-маданий тадбирлар, учрашувлар ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан 2300 та бадиий-маданий тадбир, учрашув ташкил этилди. 28,4 минг нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилишига кўмаклашилди. Ушбу мақсадларга Фонд ҳисобидан 105,7 млн. сўм маблағ сарфланди. Биргина Наврўз байрами арафасида Фонд томонидан 200 тага яқин кам таъминланган оилага 20 млн. сўмлиқдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари манзилли тарқатилди.

Фонд иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида 400 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аъзолари театр ва концерт томошаларига жалб этилди. Мазкур тадбир ижросини таъминлаш мақсадида Фонд томонидан 5,6 млн. сўм маблағ сарфланди.

Маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёлғиз қариялар, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 18 нафар жисмоний имконияти чекланган кишига ногиронлик аравачаси, 21 нафарига қўлтиқтаёқ, 22 нафарига эшитиш мосламаси, 6 нафарига ҳасса, 10 нафарига протез ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Фонд маблағлари ҳисобидан 4,3 млн. сўм маблағ ушбу хайрли ишларга йўналтирилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 500 нафарга яқин тарбияланувчиларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга «Маҳалла мурувватi» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 42,9 млн. сўмлик кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ҳадя этилди.

Дарвоқе, «Обод турмуш йили» Давлат дастури юртимизни янада обод этиш, ҳудудлар озодалиги, саришта ва саранжомлигини таъминлашда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Дастурда белгиланган вазифалар ижроси бўйича Фонд ҳисобидан маҳаллалар атрофи ва йўл бўйларига 74 минг 547 туп манзарали, 53 минг 727 туп мевали дарахт, 133 минг 391 дона гул кўчати ўтқазилди. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга 176 минг 149 туп дарахт кўчати олиб берилди.

Фуқаролар йиғини идораси атрофидаги бўш ётган ер майдонларида жами 566 та янги боғ барпо этилди. 234 та болалар майдончаси қайта таъмирланди. 6 таси янги қурилиб, 386 таси ободонлаштирилди. Мазкур тадбирлар учун ҳудудий бўлим ва бўлинмалар ҳисобидан 590,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги фармойишига асосан, жорий йилнинг 16-17 март кунлари республикамизда умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳашарда 17,6 млн. нафар фуқаро, шу жумладан, 11,5 млн. нафар ёш иштирок этди. Ҳашар давомида ҳудудлардаги 8 минг 738 та зиёратгоҳ ва қабристон, 43,5 минг гектар майдон ободонлаштирилди, 70 минг тоннага яқин чиқиндилар чиқариб ташланди.

Оилаларни, айниқса, ёлғиз қарияларни, болалар ва ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 30 мингдан ортиқ оилага 85 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, Фонд тузилмалари томонидан 27 та ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказилишига кўмаклашилди, 5 та кам таъминланган оилага қорамол олиб берилди. Мазкур мақсадларга 8,6 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан ижро интизоми, қуйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингни амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини самарали ташкил этишга, услубий ва амалий кўмаклашиш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан фонд ҳудудий бўлимлари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш давомида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш, Вазирлар Маҳкамасининг 51-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастури ижросини таъминлашда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинларига маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда, шунингдек, ёш авлодни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда доимий услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўришда қонунчилик меъёрларига қатъий амал қилиш, фонд тизимида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларидаги бўш (вакант) лавозимларни ёш, билимли, ташкилотчи, ташаббускор, талабчан, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган кадрлар билан тўлдириш ҳамда фонд ва ҳамкор ташкилотлар иштирокидаги кўрик-танловларни юқори савияда ўтказиш белгилаб олинди.

Мунозараларга бой, ишчан руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

МУНОСАБАТ

# ЭЪТИБОР МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРАДИ

< [1]

Мен бу ҳақиқатни ўз оилам, маҳаллам мисолида ҳам кўраман. Бизнинг Шаҳрихонсой шаҳарча фуқаролар йиғинида сўнгги йилларда ҳар соҳада катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Аввало, аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш субъектлари сонининг кўпаяётгани тадбиркорлик фаолиятининг кенг қулоч ёйишида муҳим омил бўлаётир.

Йиғинимизда 2600 нафар аҳоли истиқомат қилса, улардан 1406 нафарини аёллар ташкил этади. Бугунги кунда аёллар ташаббуси ва тадбиркорлигидан нафақат йиғинимиз хотин-қизлари, балки қўшни маҳаллалар аёллари ҳам унумли фойдаланиб келмоқдалар. Мисол учун, ўз оилавий бизнесини йўлга қўйган Муяссархон Жалолова 8 нафар қизни иш билан таъминлаб, уларнинг рўзғорларига қут-барака инишига сабабчи бўлди. Шунингдек, Дилнозахон Сайидалиева қўл остида айни пайтда 10 нафардан зиёд қиз-жувон тикувчилик сир-асрорларини пухта ўрганмоқда. Ипак қурти етиштиришга ихтисослашган «Хўжаобод олтин ипаги» фермер хўжалигида 30 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат билан банд.

Андижон вилоятида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлидаги ислоҳотлар кишиларнинг эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамламоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг юксалишида, албатта, оиланинг соғломлиги ва мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли Давлат дастури доирасида йиғинимизда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Сўнгги беш йил давомида шаҳарчамиздаги ҚВП билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик натижасида оналар ва болалар ўлими умуман қайд этилмади. Шунингдек, аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларга бутунлай барҳам берилди.

Ҳар бир оиланинг шарт-шароити, турмуши биринчи ўринда маҳалла фаолларига аён. Шу боис гап турмуш фаровонлиги ҳақида борар экан, биз зийракликни қўлдан бой бермай, катта ҳаёт остонасидаги ёшларимизнинг тиббий кўрикдан ўтишига лоқайд бўлмаслигимиз, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштиришда фаол иштирок этишимиз лозим. Бу борада йиғин қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари билан ҳудудимиздаги 724 нафар фертиль ёшидаги аёлларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаб келмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, азалдан Шарқ аёллари ўзларининг ҳаё, ибо ва зукколиклари билан жамият ҳаётида фаол қатнашиб, ўзгаларга ўрнак бўлишган. Биз хотин-қизлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бугунги кунда ҳам хоҳ таълим-тарбия, хоҳ тиббиёт соҳаси ёки тадбиркорлик бўлсин Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида бор билим ва малакамиз, кучғайратимизни аямаймиз.

**Тожибархон ЙЎЛДОШЕВА,**
**Хўжаобод туманидаги Шаҳрихонсой шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

ФЕСТИВАЛЬ

# «Ораста қизлар» ибрати



А.ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

**Икки йил муқаддам Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таълим муассасалари қошида «Ораста қизлар» тўгаракларини ташкил этиш таклифи илгари сурилган эди.**

Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу таклифни қўллаб-қувватлади. Айни кунларда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида шу номдаги тўгараклар фаолият юритмоқда.

Баркамол авлод вакиллари орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, уларда экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш мақсадида тузилган ушбу тўгараклар аъзоларининг сафи кенгайиб, иш самарадорлиги ортиб бораётгани диққатга сазовор.

Бу борадаги тажрибаларни янада оммалаштириш мақсадида «Обод турмуш йили» Давлат дастурига биноан «Ораста қизлар» республика фестивали ўтказилди.

Фестиваль иштирокчилари дастлаб пойтахтимиздаги «Бахтиёр она» монументи ва шоира Зулфияхоним ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Шунингдек, улар Олмазор туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидаги «Ораста қизлар» тўгараги ҳамда мазкур тумандаги «Гуручарик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ораста ёшлар давраси» ахборот-маслаҳат гуруҳлари фаолияти билан танишдилар.

Ўзбек миллий академик драма театри биносида фестивалнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Жамоаларнинг фестивалга тайёргарлиги саҳна кўринишлар ва турли мавзулардаги саволлар воситасида синовдан ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг умумий хулосасига кўра, 1-ўринга Фарғона вилоятининг «Ниҳол» жамоаси муносиб кўрилди. Самарқанд вилоятидан ташриф буюрган «Зукко қизлар» жамоаси аъзоларига 2-ўрин насиб этди. Тошкент шаҳрининг «Ниҳол» жамоаси эса 3-ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда махсус сертификатлар топширилди.

**Нилуфар ЮНУСОВА**
«Mahalla»

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# ЙИҒИНЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛИНИНГ

< [1]

Ушбу конституциявий қоидалар 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунида ҳам акс этди. Унда фуқаролар йиғинини чақириш, раис ва йиғин маслаҳатчиларини сайлаш тартиблари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг иқтисодий ва молиявий негизи, ваколатлари, тузилмаси ва улар фаолиятини ташкил этиш ҳамда раиснинг ваколатларига оид нормалар киритилди.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, мазкур нормаларга 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунида янада ойдинлик киритилди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи, уларнинг асосий принциплари, ҳудудлари, фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари каби нормалар ўз аксини топди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тобора ошиб бораётгани, қолаверса, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти, бой ҳаётий тажрибасига кўпгина масалалар боғлиқлиги, энг асосийси, маҳалла фуқаролар йиғини жамият ва давлатнинг таянч нуқталаридан бири бўлгани боис, 2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди.

Албатта, қонун ҳужжатларининг сифати ва самарадорлигига нисбатан бўлган талабнинг тобора ортиб бориши, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги жараёнини мунтазам мониторинг қилиб боришни, қонун ҳужжатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, замон талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиш ва янгиларини яратишни, қонун ҳужжатларининг ўзаро боғланиши ҳамда уйғунлигини таъминлашни тақозо этади.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Концепцияда илгари сурилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун 2013 йилнинг 23 апрелида ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун эса шу йилнинг 24 апрелида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари янада кенгайтирилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда киришишда муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари эканлиги мустаҳкамланди. Ушбу қонуннинг аввалги таҳририда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари сифатида эътироф этилган эди. Янги таҳрирдаги қонунда эса, бу масалалар янада аниқлаштирилиб, айнан қайси маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий бирликлари сифатида эътироф этилиши лозимлиги мустаҳкамланди.

Қонуннинг 9-моддасига биноан, фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалаши ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилиши ифодаланиб, унда ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади. Шунингдек, мазкур модда билан фуқаролар йиғини органлари сифатида фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси ҳисобланиши эътироф этилди.

Янги таҳрирдаги қонун билан шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда фуқаролар йиғини раисининг ваколат доиралари янада кенгайтирилди. Хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашиш, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган икки ёшгача фарзандлари бор оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақа тайинлаш кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур қонунга киритилган муҳим янгиликлардан яна бири бу — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши билан боғлиқ. Унда жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш, давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги баён этилди.

Эътиборлиси, ушбу моддада жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин. Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шартлигига оид нормалар ҳам мустаҳкамланди.

Бу эса, ўз навбатида, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланаётганлигидан далолатдир.

Қонундаги навбатдаги янгилик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши билан боғлиқ. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақлилиги, давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашиши, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар бериши, тегишли ҳудудда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йиғини сўровига биноан маслаҳат марказларига қисқа муддатли курсларни ўтказиш учун ўқув хоналарини бериб туриши мумкинлиги, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли курсларда таълим бериши, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкинлиги белгиланди.

Қонунга киритилган яна бир муҳим норма фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш билан боғлиқдир. Ушбу қонуннинг аввалги таҳририда фуқаролар йиғини раисининг ваколатларини муддатдан илгари тугатилиши мумкин бўладиган барча ҳолатлар қамраб олинмаган эди.

> [3]

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

# ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР ЮРТГА КЎРК, ТУРМУШГА ФАЙЗ ҚЎШАЁТИР

< [1]



Минтақадаги кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бугун эл-юрт фаровонлигига хизмат қилаётир. Жумладан, 2009-2012 йиллар мобайнида Қорақалпоғистонда намунавий лойиҳалар асосида жами 1155 та замонавий турар-жой барпо этилиб, ўз эгаларига топширилди. Ушбу мақсадлар учун 86 миллиард 835 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Янги мавзеларда 74 та ижтимоий объект қад ростлади.

— Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этяпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бош мутахассиси Арухан Келимбетова. — Жумладан, минтақамиздаги 18 та мавзеда 550 та намунавий уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилади. Айни пайтда қурилиш ишлари олиб бориладиган 114,98 гектардан иборат ер майдони Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси томонидан комплекс равишда экспертизадан ўтказилиб, лойиҳалаштирилди. Жадал давом этаётган қурилишлар қишлоқ ва овулларимизнинг қиёфаси яқин кунларда янада чирой очиб, кўплаб юртдошларимизнинг турмуши обод бўлишидан дарак беради.

Амударё туманидаги 70 та оила учун Обод турмуш йили омадли келди. Боиси, уй-жойга эҳтиёжи бор бу кишиларни ерни ҳовли учун тайёрлаш, пойдевор уриш, девор тиклашдек мураккаб ишлар ташвишлантирар, айримлар суваш ва пардозлаш ишларининг ҳеч бўлмаганда кўп йил вақт олишини ва бу ишларга жарақ-жарақ пул сарфланишини хомчўтлаб ваҳимага тушишарди. Айни пайтда эса, имтиёзли кредит асосида бундай қийинчиликларсиз турар-жойга эга бўлишаётган амударёликларнинг миннатдорлиги чексиз.

— Туманимизнинг учта ҳудудида бугун қурилиш ишлари жадал кетаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Амударё тумани бўлинмаси раиси Рустам Рўзметов. — Чайкўл овул фуқаролар йиғинидаги 42 та, «Тақирқалъа» маҳалласидаги 10 та ва Ўртақалъа овулидаги 18 та замонавий уй юртимизга кўрк, кишилар турмушига файз қўшаётир.

Амударё овулларидаги аҳолининг аксарияти тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Улар ўзаро аҳил яшашади. Шу боис кейинги йилларда овулларимизда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайди. Намунавий уйлар ва улардаги шарт-шароит кишиларнинг кайфиятига кўтаринкилик, мамнунлик бахш этади, албатта. Зеро, бундай шинам уйлар ўз соҳиблари учун бир умрга татигулик бахт ва турмушларига зийнатдир.

Шуҳратбек Ҳайдаров Ўртақалъанинг «Воҳум» маҳалласидан. Уй-жой қуриш истагини маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Камоловга айтганида, раис унга маҳаллада бунёд этилаётган уйлардан бирига буюртма беришни тавсия қилди. Бугун янги уйларда пардозлаш ишлари кетмоқда.

— Уйдаги қулайликлардан, айниқса, турмуш ўртоғим хурсанд, — дейди Ш.Ҳайдаров. — Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Жамиятимизда аёлларнинг ўз ўрнига эга бўлиши, фаровон ҳаёт кечириши учун барча ишлар қилинаётганидан ғурурланаман.

«Воҳум»даги уйлар — ошхонанинг кенглиги, ювиниш ва қўл чайиш хоналарининг алоҳидалиги, газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув қишлоқ аёлларига шаҳар шароитидан қолишмайдиган қулайликлар туҳфа этмоқда.

Мухтасар айтганда, қишлоқларда бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгайиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалаётир. Бу эса, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилгани ва давлатимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсатнинг амалий ифодаси эканидан далолатдир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

# ЭЗГУ ИШДА ТАШАББУС ВА ЯКДИЛЛИК БИЛАН

< [1]

Маҳалла фуқаролар йиғини биноси эски ва таъмирталаб аҳволдалиги кўпдан бери бизни ўйлантириб келар, бошқа маҳаллаларга зеб берган гузарларни кўриб ҳавас қилардик. Йиғин идорасини тубдан қайта таъмирлашда, аввало, ички имкониятларимизни ишга солдик. Молиялаштиришга келганда, қум, шағал, тупроқдан тортиб, эшик-ром, ҳатто хизмат ҳақигача ҳисоблаб чиқдик: жами 13 455 500 сўмни ташкил этган харажатнинг 8 959 000 сўми қурилиш ашёларига, қолгани хизмат ҳақига тўғри келади. Моддий маблағ масаласида ҳам маҳалланинг ўзидан имконият топилди.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан бошланган хайрли ташаббус боис биздаги муаммолар ўз ечимини топмоқда. Бугун маҳалламизнинг кўзга кўринарли, аҳолига ҳар томонлама қулай ҳудудида гузар барпо этиляпти. Гузарнинг лойиҳасини ҳам, йиғин идорасини мукаммал таъмирлаш режасини ҳам маҳалланинг ёши улуғлари, қурилиш соҳаси мутахассисларини жалб этган ҳолда бамаслаҳат ишлаб чиқдик.

Гузар лойиҳасидан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Сартарошлик, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ ҳунармандчилиги цехлари ва бошқа маиший хизматларни йўлга қўйиш нафақат қирсадақликларнинг оғирини енгиллаштиради, балки маҳалла ёшларининг муқим иш билан таъминланишига ҳам ҳисса қўшади. Буни яхши англаган маҳалладошлар ушбу хайрли ишга бош қўшаётир.

«Қирсадақ»ни намунали ва обод масканга айлантириш мақсадида тузган режамизга кўра, аҳолининг кўмаги — ҳашар орқали амалга оширилгани боис бунёдкорлик ишларини қийинчиликсиз бошлаб юбордик. Ҳудудимиздаги 30 та корхона ва ташкилотни ҳам ушбу хайрли ишга жалб этганимиз, уларнинг сидқидилдан кўмак бераётгани, айниқса, қувонарли.




Маҳалланинг олтита кўчасидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларидан бугун кўз қувнайди. Айниқса, энг баҳаво жойда қад ростлаётган гузаримиз маҳалла кўркига кўрк қўшиши аниқ. Аҳолининг ички имкониятлари, салоҳиятлари асосида тузган режамиздан бугун андоза олаётганлар, келиб иш тажрибамизни ўрганаётганлар бисёр. Назаримда, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир маҳаллада имконият ва шароит етарли. Муҳими, кишиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, уларни якдил мақсад сари йўналтиролсак, қадрдон ва таъсирчан тузилманинг беқиёс кучидан унумли фойдалана олсак — ютуқ бизники!

**Очил БАРАТОВ,**
**Янгийўл туманидаги**
**«Қирсадақ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Янги цех иш бошлади

**Китоб туманидаги Севаз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Magma ground» корхонасида янги цех ишга туширилди.**

Хитойдан қиймати 25 минг долларга тенг замонавий ускуналар келтирилиб, бўр маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муҳими, бу ерда 25 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, корхона томонидан эҳтиёжманд оилаларга, ёлғиз кексалар ва жисмоний имконияти чекланганларга ҳомийлик ёрдами ҳам кўрсатиляпти.

Эътиборли жиҳати шундаки, бўр ишлаб чиқариш унча кўп харажат талаб қилмайди: хомашё тумандаги тоғ ва қоятошлардан олиб келинади.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»


РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР



**«Асака» банк ДАТБ, Сергели тумани ҳокимлиги ва туман прокуратураси ҳамкорликда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича анжуман ўтказди.**

Маълумки, Давлат дастурида банк кредитлари орқали аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда «Асака» банки томонидан қатор ишлар бажарилмоқда. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуриш ва ишга тушириш, касаначиликни, хизматлар соҳасини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида кредитлар ажратиш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

2013 йилнинг биринчи чораги мобайнида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 172,9 млрд. сўм, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларига 1,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 1,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банк томонидан 2013 йилда ҳам ушбу хайрли тадбирлар давом эттирилаётир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 684 млрд. сўм, шундан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун 6,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 6,5 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган.

Ўтказилган анжуманда ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши ва шу орқали янги иш ўринлари яратилишига алоҳида урғу берилди.

Тадбир сўнгида тақдим этилган лойиҳалар орасидан коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган 5 та лойиҳа танлаб олинди ва эгалари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— «Асака» банки томонидан берилган имтиёзли кредит эвазига тикувчилик корхонаси ташкил этмоқчиман ва бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳиссамни қўшмоқчиман, — дейди коллеж битирувчиси Зарина Муртазоева.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бу каби тадбирларни уюштиришдан мақсад ҳам ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»


ТАЙЁР МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА

# Экспорт ҳажми ошмоқда



**Янгиер шаҳридаги «МосЯнтекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида тайёрланган трикотаж маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда.**

Корхонада дастлаб 30-40 нафар киши ишлаган бўлса, бугунги кунда 160 киши меҳнат билан банд. Қувонарлиси, ишчиларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлардан иборат.

Яқинда бу ерга Хитой ва Польшадан янги тикув машиналари, дазмол босиш, қирқиш ускуналари келтириб ўрнатилди. Модернизация ишларига 15 миллион сўм сарфланди.

Талаб ва таклиф инобатга олинган ҳолда маҳсулотларга ранг бериш, расм ва ёзув босиш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамоа 93 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари тайёрлади.

Хорижлик харидорларга етказилган маҳсулотларнинг қиймати 95 минг АҚШ долларни ташкил этди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

# МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

< [1-2]

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан бири сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида демократиянинг муҳим шарти бўлган миллий сайлов тизимининг қонунчилик асослари умумэътироф этилган халқаро тамойилларга тўлиқ мос ҳолда шаклланганидадир. Бинобарин, аҳолининг давлат органлари ва фуқаролар йиғинларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки, асосан, сайловларда намоён бўлади. Шу боис, сайловлар демократиянинг муҳим шарти ва ажралмас белгиси саналади.Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, унда раис ва йиғин маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда очиқлик ҳамда ошкораликни таъминлашга оид нормалар ўз аксини топди.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилиши белгиланди.

Мазкур комиссияга фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказиш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, комиссиялар сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қандай бораётганлигини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш, сайлов масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш каби ваколатлар берилди.

Ушбу ваколатларнинг қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши, ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш масалаларига ҳам ойдинлик киритилди. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилиши, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ишчи гуруҳ ўз фаолиятини тугатиши, ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилиши, фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмаслиги, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилиши ифодаланди.

Қонунга киритилган навбатдаги янгилик фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш масаласи билан боғлиқдир. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилиши, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлаши ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этиши, ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилиниши, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиши ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юбориши, ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйиши назарда тутилган.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрўэътиборга эга бўлиши кераклиги, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмаслигига оид нормалар ҳам ўз аксини топди.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш масаласи ҳам ойдинлашди. Жумладан, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда чақирилиши ва ўтказилиши, фуқаролар вакиллари йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилиши, таркибида маҳаллалар мавжуд бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар вакилларининг йиғилишига маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари юборилиши ҳамда вакиллик нормасини тегишли комиссия белгилаши баён этилди.

Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби билан боғлиқ бўлиб, унда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилиши, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, саноқ комиссиясини сайлаш, фуқаролар йиғини раисини сайлаш, фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиларини сайлаш масалалари киритилиши, фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) иш регламенти, шу жумладан, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланиши, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланиши, фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни эълон қилиши, шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз бериши, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилиши ўз аксини топди.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатларининг амалиётта татбиқ этилиши улар фаолиятининг янада такомиллашувида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди.**

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

# УМР ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ БИЛАН МАЗМУНЛИ


Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони бу борадаги кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан жамғармамиз томонидан махсус иш режаси тузилди. Тегишли вазирлик ва идоралар нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу режада 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини юртимизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ўтказиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлат бюджетидан ажратилган пул мукофотларини байрамона тарзда топшириш, нуронийларимизга меҳр-эътибор кўрсатиш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгиланган.

Ҳозирги кунда жойлардаги Мудофаа ишлари бошқармалари, Хотин-қизлар қўмиталари, Касаба уюшмалари, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда таълим масканлари ва маҳаллаларда «Уч авлод» учрашувлари, турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундай тадбирларда нуронийларимиз ўз ҳаёти, ўтмишнинг оғир кунлари мисолида бугунги тинч-фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳақида сўзлаб бермоқда. Ёшлар эса кексаларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда. Хусусан, ёшлардан ташкил топган Нуронийларга мадад ва ғамхўрлик гуруҳларининг фаолияти тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида тузилган ушбу лойиҳага бирлашган йигит-қизлар ўзлари яшаётган ҳудудларда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг хонадонларига бориб, уй-рўзғор ишларида кўмаклашмоқда. Зарур ҳолларда уйларини таъмирлаб бермоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратилмоқда.

Нуронийларнинг саломатлигини асраш ҳам доимий эътиборда. Ҳар бир вилоятда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига тиббий ёрдам кўрсатувчи махсус шифохоналар фаолият юритмоқда. Уларда барча диагностика ва даволаш ишлари бепул амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили махсус гуруҳлар ташкил этилиб, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ўз уйларида тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Айни кунларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари ва ҳамширалари иштирокида шундай тадбирлар бошлаб юборилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йилдан-йилга кенгаймоқда. Президентимиз фармонига мувофиқ, жорий йил уларнинг ҳар бири беш юз минг сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади. Бу мукофотлар кенг жамоатчилик иштирокида байрамона тарзда топширилади.

Фахрийларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш ҳам тизимли йўлга қўйилган. Нуронийларни Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент сингари тарихий шаҳарларимизга саёҳатга олиб бориш анъана тусини олган. Обод турмуш йилида бундай эзгу, хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди.

**ЎзА мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.**

ФОТОТАНЛОВ

# БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА




< [1]

Мазкур танловдан кўзланган мақсад баркамол авлодни ҳар томонлама маънавий етук, ахлоқий баркамол этиб тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликка янада эътибор қаратиш, ёшларнинг маънавий ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш билан бирга, улар онгида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни шакллантиришдан иборат. Қолаверса, бу борада амалга оширилаётган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш ва профессионал ҳамда ҳаваскор фотографларни моддий ва маънавий рағбатлантириш режалаштирилган.

— Ушбу фототанлов «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланганидек, юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Фототанловга мамлакатимизда фаолият юритаётган етмишдан зиёд профессионал ва ҳаваскор фотографлар ўзларининг беш юздан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашдилар. Улар томонидан тақдим этилган асарлар орасидан энг сараларини ажратиб олиш нуфузли ҳакамлар ҳайъатига ҳам бирмунча масъулият юклади. Иштирокчиларнинг фотоасарларида фуқаролар йиғинлари қошида фаолият юритаётган доимий комиссиялар ва «Ота-оналар университети», «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги ҳамда жойларда ташкил этилаётган миллий байрамлар, спорт ўйинлари акс эттирилган.

Фото ижодкорлар ўз асарларида аҳоли ўртасида миллий ва маънавий қадриятлар, ҳудудда турли миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқликда яшаётганликлари, қўни-қўшничилик муносабатлари, халқимизга хос урф-одат ва анъаналарни акс эттиришга эътибор қаратишган.

— «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови низомига кўра, ёш авлоднинг таълим-тарбиясида маҳалла ва оиланинг ўрнини фототасвирлар орқали очиб бериш керак эди, — дейди танловнинг «Энг фаол иштирокчи» номинациясини қўлга киритган Назира Боймуродова. — Айни шу шартларга мос келадиган ўнта фотоэтюдим билан танловда қатнашдим. Уларда юртимизнинг турли ҳудудларидаги фуқаролар йиғинлари фаолияти акс этган. Қувонарлиси, мен уларни кўпсонли томошабинлар, ҳамкасб дўстлар ва устозлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар вакиллари эътиборидан ўтказдим. Бу келгусидаги ижодий ишларимнинг янада серқирра ва самарали бўлишига туртки беради, деб ўйлайман. Чунки танловга тақдим этилган сара асарларни кўриб маҳалла тизимида олиб борилаётган ишларнинг қайси томонларига эътибор қаратиш зарур эканини англадим.

Мазкур фототанлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

Танлов натижаларига кўра, ўнта «Энг фаол иштирокчи», биринчи, иккинчи ва учинчи ҳамда олий соврин — Гран-при соҳиблари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Нурилла ЧОРИЕВ**
**«Mahalla»**

Таҳририятдан: *Тақдирланганлар орасида газетамизнинг фотомухбири Носиржон Ҳайдаров ҳам бор. Танловда у «Ота-оналар университети» ва «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасидаги туркум фотоасарлари ҳамда бошқа долзарб мавзудаги суратлари билан иштирок этиб, ғолиб бўлди.*

*Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбимизни мукофот билан қутлаймиз.*




## Прагада портлаш

**Прага шаҳрининг марказида жойлашган бинода кучли портлаш рўй берди.**


Ҳозирча 40 нафар кишининг жароҳат олгани айтилмоқда.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига кўра, бино ёнидаги миллий театр ва кафе ҳам катта зарар кўрган. Бундан ташқари, бошқа бинолар ҳам етарлича шикастланган. Портлашнинг сабаби ҳали аниқлангани йўқ.

Лекин ҳудуддаги газ тармоғи узиб қўйилган. Газ ҳам портлашнинг сабабларидан бири сифатида тахмин қилинмоқда.

## Маҳбуслар қурбон бўлди

**Мексиканинг «Ла Пила» қамоқхонасида маҳбуслар томонидан норозилик намойиши уюштирилди.**




«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабарига кўра, маҳбуслар орасида чиққан тортишув катта жанжалга айланиб кетган.

Полиция тартиб ўрнатишга қанчалик ҳаракат қилмасин, оломонни куч ишлатмасдан тўхтата олмаган. Натижада 17 киши ҳалок бўлган, 65 нафари жароҳатланган.

## Хавф ортмоқда

**Хитойда «H7N9» парранда гриппидан вафот этганлар сони 20 кишига етди.**



Бу ҳақда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хабар тарқатди. Айни пайтгача 102 нафар киши гриппга чалинган.

«Инфекция ўчоғи аниқланмагунча Хитойда вируснинг бу турига чалинганлар сони кўпаяверади, дейилади Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хабарида.

## Ўн беш сантиметрли одам

**Чилида аниқланган 15 сантиметрли мўмиёланган жасад ДНК текширувларидан кейин одамзотга тегишли экани исботланди.**

«The Daily Mail» нашрининг ёзишича, аввалига бу жасад маймунга ёки ўзга сайёраликларга тегишли, деб бонг урилаётган эди.

Стэнфорд университети олимларининг таъкидлашича, олиб борилган тадқиқотлар натижасида унинг одам жасади экани далилланган. Ушбу тана мўмиёланаётганда тахминан 6 ойдан 8 ёшгача бўлган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «Атакама гуманоиди» деб номланган мазкур митти топилмада метаболизм жараёнлари кечган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мазкур антиқа одам туғилганида унинг бўйи 15 сантиметрдан кам бўлган.

**Интернет хабарлари асосида**
**Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.**

# МАҲАЛЛА, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА МАТБУОТ

< [1]

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг етакчи мутахассислари, соҳа экспертлари, марказий газета ва журналлар ҳамда Самарқанд, Фарғона вилоятларида фаолият юритаётган журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар фуқаролик институтлари фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Айниқса, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришдаги вазифалари янада кенгайтирилаётир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда маҳалланинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳалла ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари янада кенгайтирилди. Бу маҳалла институти нуфузини ошириб, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Семинарда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир муҳим ўзгаришлар, унинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги вазифалари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида ахборот-тушунтириш ишларини олиб боришда журналистлар олдида турган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

СПОРТ

Футбол

# «Бунёдкор» кейинги босқичга чиқди

**Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги соҳиби — Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларини мағлубиятсиз якунлаб, мусобақанинг плей-офф босқичига йўлланма олди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимиз терма жамоалари ва профессионал футбол клубларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Қитъамиз футбол клубларининг энг нуфузли турнирида «G» гуруҳида тўп сурган «Бунёдкор» футболчилари сўнгги — олтинчи тур учрашувини сафарда Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерс» жамоасига қарши ўтказди.

Биринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. 79-дақиқада «Бунёдкор» футболчилари тезкор қарши ҳужум уюштириб, ҳисобни очди. Лутфулла Тўраев ва Алибобо Раҳматуллаев бошлаган комбинацияни Олександр Пишчур самарали якунлади. Мезбонлар учрашувнинг сўнгги дақиқасида ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Шу тариқа икки ғалаба ва тўрт дуранга эришган Миржалол Қосимов шогирдлари жами 10 очко жамғариб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа қоидасига кўра, гуруҳ ғолиби бир учрашувдан иборат нимчорак финал баҳсини ўз майдонида ўтказади.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Японияининг «Санфречче Хиросима» жамоаси «Пекин Гоань» футболчиларини қабул қилди. Ўйинда ҳисоб очилмади ва жами тўққиз очко жамғарган «Пекин Гоань» вакиллари ҳам Осиё чемпионлар лигасининг плей-офф босқичига йўлланма олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# ФОЙДАСИДАН ЗАРАРИ КЎП УСКУНАЛАР

**Ёнғин нафақат мол-мулкка, балки инсон умрига ҳам жиддий хавф солади. Ҳар йили бу офат давлат ва халқ мулкига кўплаб зиён етказади, ачинарлиси, кишиларнинг ҳаётига зомин бўлади.**

Ёнғин домида қолганлар орасида бегуноҳ гўдакларнинг борлиги янада аянчли. Бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик оқибатида бундай офат юз бераётир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилоятида 357 та ёнғин содир бўлди. 290 та ҳолатда фуқароларнинг турар-жойларидаги 530 миллион сўмдан ортиқ мулкка зарар етган.

Ангрен, Бекобод шаҳарлари ва Оҳангарон, Бекобод, Зангиота, Қибрай, Пискент, Қуйи Чирчиқ туманларида содир бўлган ҳалокатли ёнғинлар оқибатида инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Бундай офатлар носоз ускуналардан фойдаланиш натижасида рўй бераётгани, огоҳлантириш, тушунтириш, профилактик машғулотлар ўтказилаётганига қарамай кишиларнинг ҳамон ўзбошимчалик билан иш тутишаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Биргина печ ва газ асбоб-ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши оқибатида 122 та ёнғин содир бўлди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларини ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири ҳам аслида аҳолининг нобоп ускуналардан фойдаланаётганидир. Айримлар газ мосламаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик, бепарволик, эҳтиётсизлик оқибатида ўнглаб бўлмас мудҳиш оқибатларнинг қурбонига айланишаётир. Ачинарлиси, ушбу бепарволик бошқа кишиларнинг ҳам ҳаётига хавф солади.

Паркент тумани Қорақалпоқ қишлоқ фуқаролар йиғини Мустақиллик кўчасида яшовчи Д.Шоқурбоновнинг уйида иситиш печининг мўриси носозлиги ёнғинни келтириб чиқарган ва 150 квадрат метр майдонда уй шифти, жиҳозлари куйиб кулга айланган.

Зангиота тумани Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини Дадахўжаев кўчасидаги 58-уйда иситиш печидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмагани боис 80 квадрат метр майдонда уй шифти, жиҳозлар куйиб, уй эгаси катта миқдорда зарар кўрди.

Худди шундай воқеа Янгийўл тумани А.Ортиқов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини Тахтакўприк кўчаси 57-уйда, Ўрта Чирчиқ тумани Ангар қишлоқ фуқаролар йиғини «Юқориовул» маҳалласида ҳам юз бергани мулк эгаларининг каттагина талафот кўришига олиб келди. Қибрай тумани Қипчоқ қишлоқ фуқаролар йиғини Г.Шералиев кўчаси 33-уйда қиздирилаётган ёғнинг назоратсиз қолгани оқибатида 70 квадрат метр майдонда уй шифти, жиҳозлар ёниб кетди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бундай ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, саноат корхоналари, таълим муассасаларида учрашув ва суҳбатлар уюштирмоқда.

Ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолатда ишлашини мунтазам назорат қилиб турилиши, ясама ва носоз иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, газ мосламаларини ишлатишни болаларга ишонмаслик, болаларни уйда назоратсиз қолдирмаслик, газ плиталаридан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланмаслик, плиталар устида кир қуритмаслик, газ мосламаларига резина ичак уламаслик зарурлигини тавсия қилади.

Бир қарашда оддий ва арзимасдек туюладиган хавфсизлик қоидалари инсон умрига дахлдорлигини унутмаслик лозим.

**Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси.**

Белбоғли кураш

## Маҳалламиз полвонлари

**Қизилтепа тумани Тошпўлат Ҳамидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида ташкил этилган миллий кураш ҳамда стол тенниси тўгараклари ўсмир-ёшларнинг севимли масканига айланган.**

Яқинда белбоғли кураш бўйича 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Республика чемпионатида Аббос Турсунов мураббийлик қилаётган ёш полвонларимиз 13 та медални қўлга киритишди.

Айниқса, мусобақаларда Жаҳонгир Иброгимов тенгдошларидан устунлик қилиб, Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Меҳриддин Қодиров кумуш, Ислом Жумаев эса бронза медалини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида ҳам вилоятимиз вакиллари 1-ўринга сазовор бўлишди. Фарғоналиклар иккинчи, Тошкент шаҳри жамоаси эса учинчи ўринга эгалик қилди.

**Шокир ҲАБИБОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қизилтепа тумани бўлинмаси раиси.**

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23560 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7082 Топшириш вақти — $21.^{30}$ Топширилди — $22.^{00}$